

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**603** Тошкент давлат юридик университети бакалавриати-  
га хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисидаги  
ариза шаклини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2897*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон «Тошкент давлат юридик университетда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Тошкент давлат юридик университети бакалавриатига хорижий фуқароларни қабул қилиш тўғрисидаги ариза шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**М. ИКРАМОВ**

Тошкент ш,  
2017 йил 29 июнь,  
165-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2017 йил 29 июндаги  
165-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

Тошкент давлат юридик  
университети ректори

\_\_\_\_\_ га

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ дан

(хорижий фуқаронинг Ф.И.О. (тўлиқ ёзилади))

**АРИЗА**

**хорижий фуқарони Тошкент давлат юридик университети  
бакалавриятига қабул қилиш тўғрисида**

Менга \_\_\_\_\_ таълим

(таълим йўналиши номи)

йўналиши, \_\_\_\_\_ таълим тили, кундузги ўқув шаклига

(ўзбек, рус)

ўқишга кириш учун ўтказиладиган суҳбатда қатнашишга рухсат беришин-  
гизни сўрайман.

Олий маълумотим \_\_\_\_\_.

(мавжуд, мавжуд эмас)

Маълумотим \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_

(ўрта, ўрта махсус касб-хунар, олий)

(тугатган таълим муассасаси номи)

\_\_\_\_\_ ни \_\_\_\_\_ йилда тугатганман.

Маълумотим ҳақидаги ҳужжат \_\_\_\_\_ серияси \_\_\_\_\_, рақами \_\_\_\_\_.

(ҳужжат тури)

Маълумотим ҳақидаги ҳужжат бўйича \_\_\_\_\_

(хорижий тил(лар)нинг номи)

тил(лар)ини ўзлаштирганман.

Суҳбатдан юқорида танланган таълим тилида ўтаман.

Туғилган вақтим ва жой: \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_,

(йил)

(кун)

(ой)

\_\_\_\_\_.

(туғилган жой)

Фуқаролигим \_\_\_\_\_

(фуқаролик паспорти бўйича ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат бўйича кўрсатилади)

Доимий тузар жойим: \_\_\_\_\_

(мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, уй ва хонадон рақами тўлиқ кўрсатилади)

**603-модда**

**— 224 —**

**26 (786)-сон**

Паспорт маълумотларим: \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_  
(серия) (рақам) (ким томонидан ва қачон берилган)

Халқаро ва миллий олимпиадалар, танловлар ва спорт мусобақаларида иштирок этганлик ҳақида маълумот (иштирок этган бўлса): \_\_\_\_\_  
(олимпиада фани,

танлов ихтисослиги, спорт мусобақаси тури, ўтказилган сана, эгалланган ўрин)

Сухбат ўтказиш тартиби ва қоидалари билан танишдим.

\_\_\_\_\_ (хорижий фуқаронинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (ариза топширилган сана)

Мазкур шакл Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

*2017 йил 27 июнь*

**И. МАДЖИДОВ**

*Адлия вазири ўринбосари —  
Тошкент давлат юридик  
университети ректори*

*2017 йил 27 июнь*

**Е. КАНЬЯЗОВ**